Э.Т. БЕРДИЕВ

# ДЕНДРОЛОГИЯ

## УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Э.Т. БЕРДИЕВ

# ДЕНДРОЛОГИЯ

## ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ВА БАҲОЛАШ БЎЙИЧА

## УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент – 2016

Тошкент давлар аграр университети Ўқув-услубий кенгашининг 2016 йил ___- декабрдаги йиғилишида тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган (___-сонли мажлис баёни).

**Тузувчи:**

**Э.Т. Бердиев** -ТошДАУ нинг Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси мудири, доцент, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Тақризчилар:**

**Р.А. Султанов** - Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш маркази лойиҳа раҳбари, биология фанлари номзоди

**М.М. Қаландаров** – Тошкент давлат аграр университети, Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси доценти қишлоқ хўжалик фан номзоди

Ушбу услубий кўрсатмада 5410800– Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва 5411200 – Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш йўналиши талабалари ва профессор-ўкитувчиларга фан бўйича мустақил ишларни ташкил этиш, бажариш, уни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар берилган.

Услубий кўрсатма ТошДАУ Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедрасининг 2016 йил 15 ноябрдаги йиғилиши (3-сонли мажлис баёни) хамда Ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар факультети ўкув-услубий комиссиясининг 2016 йил 28 ноябрдаги йиғилишида (2 -сонли мажлис баёни) муҳокама килинган ва ўқув жараёнида қўллаш учун тасдиклашга тавсия этилган.

© Тошкент давлат аграр университети, 2016.

ТошДАУ тахририят-нашриёт бўлими

# КИРИШ

Дендрология–дарахт–бута ўсимликларнинг систематикасини, морфологик хусусиятлари ва уларни ажратувчи белгиларини, биологик ва экологик хусусиятларини, тур ичидаги хилма–хилликни, географик тарқалганлигини, ўрмон ҳосил қилишдаги ролини, кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш имкониятларини ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганувчи фан ва ўқув предметидир.

Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш мутахассисларини тайёрлаш жараёнида дендрология фанининг роли беқиёсдир. Бу бир томондан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш йўналишларида ўқитиладиган асосий мутахассислик фани бўлса, бошқа томондан махсус асосли ботаника фани бўлиб, уни ўзлаштириш талабаларга ўрмончилик, ўрмон селекцияси ва уруғчилиги, аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш, ўрмон таксацияси ва маданий ўрмонлар каби махсус мутахассислик фанларини самарали ўрганиш учун замин яратади. Мамлакатимизда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш кўламини кун сайин ортиб бориши, дендрологик билимларининг ролини янада ошириб юборди.

Талабалар мустақил ишининг ўзига хослиги шундаки, ўқув фаолиятининг ушбу қисми бакалаврларнинг мустақил фаоллиги ҳамда тегишли фан ўкитувчисининг бевосита раҳбарлигида ташкил этилиб, у ўқув режасида ажратилган соатлар ҳажми (5410800– Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш йўналиши учун 146 соат) доирасида амалга оширилади.

Ушбу услубий кўрсатмаларда мазкур фандан талабалар бажариши лозим бўлган мустақил ишларнинг шакллари, мавзулари ва уларнинг мазмуни, мустақил ишни амалга ошириш вазифалари, ишни бажариш бўйича профессор-ўқитувчилар консультациясини ташкил этиш, уларни назорат килиш ва баҳолаш тартиби келтирилган.

«Дендрология» фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий мақсади бўлиб экинларни суғориш техника ва технологиялари соҳаси бўйича талабаларнинг билимларини мустақил равишда кўшимча бойитиш, уларнинг мустақил фаоллигини ошириш ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланиб, унга махсус тадбирлар тизимини қўллаш орқали эришилади. Ушбу услубий кўрсатмалар фаннинг ўкув дастурида кўзда тутилган мустақил иш бўйича ўзлаштирилиши лозим бўлган зарурий билим ва кўникмаларни талабалар томонидан вақтдан оқилона

фойдаланган ҳолда самарали ўзлаштирилишини таъминлайди.

«Дендрология» фанини ўқитиш жараёнини босқичма-босқич ривожлантириш талабаларнинг кизиқишларини, англаш фаоллигини ва мустақил ишларини рағбатлантириш йўналишида бориладики, буларнинг барчаси уларнинг ижодий фикрлаш, мустақил ўрганиш, кўникма ва лаёқатларини узвий шаклланишини таъминлайди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигинииг 2009 йил 14-августдаги 286- сонли «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома» ҳамда 2009 йил 7- августдаги 276- сонли буйруғи билан амалга киритилган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом», Тошкент Давлат аграр университети бўйича 2009 йил 22 - октябрдаги «Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ҳақида» 1.9-2/192- сонли буйруқ ва, шунингдек, ЎзР ОЎМТВ нинг 2012 йил 15- августдаги 332/8 - сонли буйруғи билан тасдикланган «Дендрология» фанининг ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмалар 5410800– Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш йўналиши талабаларининг «Дедрология» фанидан мустақил ишларни ташкил этиш, бажариш, уни назорат қилиш ва бахолаш жараёнида кенг фойдаланиш учун тавсия этилади.

## 1. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАРИ

**Талабалар мустақил иши** (ТМИ) фандан ўкув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир кисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси консультация ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришга йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад кафедра профессор-ўкитувчиларининг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида ўкув семестри давомида талабаларни «Дендрология» фанини узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, аудитория машғулотларида олинган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, навбатдаги дарсларга мустақил тайёргарлик кўриш, уларнинг ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда ахтариб топиш ва ўзлаштиришни шакллантириш негизида ҳозирги кун талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган рақобатбардош илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Мустақил иш учун бериладиган топширикларнинг шакли ва ҳажми, уларнинг мураккаблик даражаси ўкув режасида кўзда тутилган мавзуларни

ўзлаштириб бориш давомида талабаларда фан бўйича етарлича кўникмалар мужассамланганлигига мувофиқ ўзгариб боради. Бунда талабаларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга йўналтирган ҳолда мустақил ишлаш қобилияти даражасини аста-секин шакллантириб бориш талаб этилади.

«Дендрология» фани бўйича мустақил ишни ташкил этишда талабаларнинг академик ўзлаштириш даражалари ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланлади: 1) фаннинг айрим мавзуларини тавсия этилган ўқув ва ўқув-услубий адабиётлардан фойдаланган ҳолда мустақил ўзлаштириш; 2) амалий машғулотларга мустақил тайёргарлик кўриб бориш; 3) мустақил ўрганиладиган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш; 4) мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш; 5) талабаларнинг илмий жамиятлари ва тўгаракларида иштирок этиш; 6) илмий мақола, тезислар ва маъруза матнларни тайёрлаш; 6) ахборот-ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш; 7) белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида такдимот материаллари тайёрлаш; 8) талабалар турар жойида, маънавият хонаси, кутубхона, замонавий ахборот технологиялар маркази имкониятларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўқиш жараёнларида иштирок этиш; 9) кафедранинг илмий ҳамда илмий-услубий ишларида фаол иштирок этиш ва бошқалар.

Талабаларнинг мустақил иши таълим ва тарбиянинг шундай вазифаларига қаратилганки, бунда бутун ўқув жараёни талабалар томонидан фан асосларини тўлалигича фаол, онгли, пухта ва тизимли равишда ўзлаштириш ва уларда дендрология фанининг  умумий масалалари, илмий асослари, дендрология тарихи, дарахт-бута ўсимликларнннг вегетатив ва генератив органлари, дарахт–бута ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, мева ва уруғларини тарқалиши, дендрофлора вакилларини асосий экологик омиллар билан муносабати, асосий нинабаргли дарахтлар ва уларнинг ўрмончиликдаги аҳамияти, қарағайдошлар, сарвидошлар, таксодийдошлар оилалари, асосий япроқбаргли дарахт турлари ва уларнинг ўрмончиликдаги аҳамияти, чинордошлар, зарангдошлар, ёнғоқдошлар, пистадошлар, толдошлар, жумрутдошлар, шўрадошлар, раъногулдошлар, сохтакаштандошлар, магнолиядошлар, юлғундошлар, торондошлар,зиркдошлар оилаларига мансуб дарахт-бута турларини биологияси, экологияси, систематикаси, морфологияси, географик тарқалиши  бўйича муайян дунёқарашни шакллантириш имконини беради.

**Мавзуни мустакил ўзлаштириш.** Фаннинг хусусияти, талабаларнинг

билим даражаси ва қобилиятига мувофиқ ишчи ўкув дастурида кўзда тутилган алоҳида мавзулар мустақил равишда ўзлаштиршп учун талабаларга топширилади. Бу ерда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга имкон берувчи таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қилувчи саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбалари кўрсатилади.

Топширикни бажариш жараёнида талабалар ўкув адабиётларидан мустақил равишда фойдаланиб, берилган мавзунинг қисқача мазмунини конспект-лаштирадилар, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш нисбатан мураккаб бўлса, мавзуга оид баъзи саволлар пайдо бўлганда, адабиётлар етишмаганда, мавзуни етарлича тизимли баён эта олмаганда ва ҳ.к.) ўқитувчидан консультациялар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган реферат ўқитувчига топширилади ва ҳимоя қилинади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлган «Дендрология» фанидан назарий ва амалий машғулотлар бўйича мустақил ишлар асосан рефератлар кўринишида такдим этилади.

Реферат талабалар мустақил илмий ишининг алоҳида шакли ҳисобланади. Талабаларнинг илмий ижоди ўқув жараёнининг бир тури сифатида ўқитиш, билим бериш ва тарбиялаш вазифаларини бажаришда ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда талаба илмий тадқиқот фаолиятига жалб қилиниб, у илмий адабиётлар билан ишлаш, соҳа бўйича керакли илмий материалларни тўплаш, уларни умумлаштириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади, ўрганилаётган мавзу бўйича фан-техника ютуқларини танқидий баҳолашни ўрганади, назарияни амалиёт билан боғлайди ва ҳ.к.

**Реферат тайёрлаш** – бу талабалар мустақил ишларининг самарали шаклларидан биридир. Мазкур илмий тадқиқот шакли талабалар томонидан реферат мавзусини танлаш, унда ёритиладиган масалалар мазмунини олдиндан режалаштириш, рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида фан ўқитувчиларининг ташкилий-услубий ёрдами ва консультация асосидагина самарали амалга оширилиши мумкин. Бу ерда ўкитувчининг магистрантларнинг реферат ишларига раҳбарлик қилиши қанчалик тўғри ва малакали амалга оширилганлиги ҳамда рефератни бажаришга оид талаблар мезони қанчалик тўғри қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг реферат тайёрлаш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда топшириқлар

берилиши алоҳида аҳамиятга эга.

**Кўргазмали воситалар тайёрлаш.** «Дендрология» фанидан тавсия этилган мавзу бўйича реферат бажариш ушбу мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун имкон берувчи кўргазмали материаллар тайёрлаш вазифаси билан алмаштирилиши мумкин. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага тегишли кўрсатма ва йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг микдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил равишда танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир нечта талабага ёки талабалар гуруҳига топширишга йўл қўйилади.

**Мавзу бўйича тестлар, мунозарали савол ва топшириқлар тайёрлаш.**

Фандан тавсия этилган мустақил иш мавзуси бўйича реферат тайёрлаш ушбу мавзу бўйича тестлар, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, мунозарага асос бўла оладиган саволлар тузиш вазифаси билан алмаштирилиши мумкин. Бунда талабага ўқитувчи томонидан тест саволлари тайёрлашга кўйиладиган талаблар ва уни тузиш тартиб-қоидалари, кандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича тегишли кўрсатмалар берилади.

**Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш.** Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилишига йўл қўйилади. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, уларни умумлаштиради ва таҳлил этади.

**Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари** ҳам талабалар мустақил ишининг шаклларидан биридир. Бунда кафедра профессор-ўқитувчилари мутахассислик бўйича талабаларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб ташкил қилиши талаб этилади. Шундагина илмий-назарий конференцияда талабаларнинг фаол иштирок этишга ва манфаатдорлиги талаб даражасида таъминланади.

Талабаларнинг соҳа бўйича энг яхши маърузаси умум университет илмий-назарий конференциясига тақдим этилади.

Барча мутахассисликлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишларини уларнинг қизиқишларига қараб мослаштиришга йўл қўйилади.

## 2. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома»да белгиланган қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабаларлар мустақил ишларини якка кўринишда - аудиториялар ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш;
2. Талабаларлар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш;
3. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш: а) талабанинг ўқиш босқичига; б) муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига; в) талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига; г) фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига; д) талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига; е) мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсга ўтиш билан шакл ва ҳажм жиҳатидан ўзгариб боришига; е) мустақил ишни фаннинг хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этишга.

## 3. МУСТАҚИЛ ИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАЛАБА БАЖАРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

1) янги билимларни мустақил равишда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
2) зарур маълумотларни ахтариб топиш учун қулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
3) ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
4) анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
5) электрон ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
6) интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
7) маълумотлар базасини таҳлил этиш;
8) иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;

9) топширикларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;

10) ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя килиш.

## 4. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

1. ТМИ бўйича консультация дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

2. ТМИ бўйича консультация дарси фаннинг календарь-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

3. Консультация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

4. Фан ўқитувчиси консультация дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

-ТМИ топшириқларни бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради: топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;

-тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қилади;

-ТМИ юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

5. ТМИ бўйича консультациялар талабаларнинг дарсдан бўш вақтлари (куннинг иккинчи ярми)га дарс жадвалига киритилади.

6. ТМИ бўйича консультация дарслари ўқитувчи журналида қайд этиб борилади.

## 5. «ДЕНДРОЛОГИЯ» ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ МАЗМУНИ, УНГА ОИД ТОПШИРИҚ ВА ТАВСИЯЛАР

«Дендрология» фани бўйича талабаларнинг мустақил ишлари мавзулари ва мазмуни, уларни бажариш юзасидан ҳисобот шакллари қуйидаги 1- жадвалда келтирилган.

Мустақил ишни бажаришга оид топшириқ ва тавсиялар ва мавзуни ўрганиш учун тавсия этилган махсус адабиётлар рўйхати ҳамда ўрганилиши лозим бўлган материаллар берилган.

Мустақил иш бўйича тавсия этилган мавзуни ўрганишда дастлаб мавзунинг моҳияти яхшилаб тушуниб олингандан сўнг қўйилган масаланинг назарий асослари, шу соҳа бўйича фан-техника ва илғор тажриба ютуқлари, унинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги ўрганилади ва шундан сўнггина

реферат режаси тузилиб, уни бажаришга киришилади. Бунда режада кўзда тутилган масалалар бўйича материаллар қисқа ҳолда, лекин мавзу тушунарли ҳолда баён этилиши, унга тааллуқли материалларни тўлиқ қамраб олиши шарт, яъни тайёрланган реферат мавзуни тўлиқ очиб бериши лозим. Ҳар бир мавзу бўйича реферат А-4 форматдаги қоғозда 10-15 бет ҳажмида бажарилади, Рефератни бажариш жараёнида туғилган баъзи саволларни ҳал этиш учун талаба консультация дарсларидан бошқа вақтларда ҳам ўқитувчига мурожат этиши мумкин. Талаба рефератни ТМИни бажариш календарь режасида белгиланган муддатларда фан ўқитувчисига топширади ва суҳбатдан ўтади иш рейтинг тизимида баҳоланади.

**1-жадвал**

**«Дендрология» фанидан назарий ва амалий машғулотлар ҳамда мустақил иш мавзулари, уларнинг ҳажми ва ҳисобот топшириш шакллари***

| № | Мавзу номи | Машғулот тури | *Ажратилган соат* | ТМИ-Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни | Ҳисобот шакли |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Кириш. Дендрология фани ва уни ўрганиш. Дендрология тарихи | маъруза | ***4*** | Дендрология тарихи. Дендрология фанининг шаклланишининг асосий босқичлари келтирилади. | Реферат |
| 2. | Дарахтлар морфологияси, ҳаётий шакллари ва ҳаётининг давомийлиги. Фенокузатув ва унинг аҳамияти. | маъруза | ***4*** | Дарахт ўсимликларининг ҳаётий шакллари ва ривожланиш даврлари. Дарахт буталарнинг асосий ҳаётий шакллари ва яшаш даврлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 3. | Дарахтларнинг вегетатив органлари, морфологияси ва ҳаётий функциялари | маъруза | ***4*** | Дарахтларнинг вегетатив органлари уларнинг ҳаётий функциялари. Дарахтларнинг асосий вегетатив органлари ва уларда амалга ошадиган физиологик жараёнлар ҳақида маълумотлар берилади. | Реферат |
| 4. | Дарахтларнинг генератив органлари, морфологияси ва ҳаётий функциялари | маъруза | ***4*** | Дарахтларнинг генератив органлари ва уларнинг ҳаётий функциялари. Дарахтларнинг асосий вегетатив органлари ва уларда амалга ошадиган физиологик жараёнлар ҳақида маълумотлар берилади. | Реферат |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Дарахт турларининг географик тарқалиши, интродукцияси ва иқлимлаштириш. Ўзбекистон дендрофлораси | маъруза | ***4*** | Дарахт буталар интродукцияси ва иқлимлаштириш. Ўзбекистонда дарахт буталарни интродукция қилиш ва иқлимлаштириш ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 6. | Табиатда мева ва уруғларни тарқалиши, уруғдан ва вегетатив кўпайтириш. | маъруза | ***4*** | Табиатда мева ва уруғларни тарқалиши. Дарахт ва буталарнинг уруғларини табиий тарқалиши ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 7. | Дарахтларни экологик асослари. Асосий экологик омиллар ва дарахт-бута ўсимликларини уларга муносабати. | маъруза | ***4*** | Дарахт –буталарнинг экологик омилларга муносабати. Асосий экологик омиллар ва уларни ўсимлик дунёсига таъсири ўрганилади. | Реферат |
| 8. | Асосий нинабаргли дарахтлар ва уларнинг аҳамияти. Гингкодошлар, зарнабдошлар ва таксодиядошлар оиласи | маъруза | ***4*** | Нина баргли дарахтлар ва уларни ўрмончиликдаги аҳамияти. Ер шарида нина баргли дарахтларни тарқалиши турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 9. | Қарағайдошлар оиласи. | маъруза | ***4*** | Қарағайдошлар оиласига характеристика. Қарағай турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 10. | Сарвидошлар оиласи. | маъруза | ***4*** | Арча (можжевельник) турларини ўрмон хўжалигидаги аҳамияти. Марказий Осиёда тарқалган арча турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 11. | Асосий япроқбаргли дарахтлар ва уларнинг аҳамияти. Чинордошлар оиласи | маъруза | ***2*** | Чинордошлар оиласига дендрологик характеристика. Чинор турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 12. | Қайрағочдошлар оиласи | маъруза | ***4*** | Қайрағочдошлар оиласига дендрологик характеристика. Қайрағоч турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 13. | Зарангдошлар оиласи. | маъруза | ***6*** | Зарангдошлар оиласига дендрологик характеристика. Заранг турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 14. | Тутдошлар оиласи | маъруза | ***6*** | Тутдошлар оиласига дендрологик характеристика. Тут турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 15. | Пистадошлар оиласи. | маъруза | ***6*** | Пистадошлар оиласига дендрологик характеристика. Хандон писта ва тотим турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 16. | Ёнғоқдошлар оиласи. | маъруза | ***4*** | Ёнғоқдошлар оиласига дендрологик характеристика. Ёнғоқ турлари ва пекан ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 17. | Раъногулдошлар оиласи. | маъруза | ***1<br>6*** | Раъногулдошлар оиласига дендрологик характеристика. Олма нок бехи четан, дўлана, маймунжон, тобулға малина, ўрик, бодом, шафтоли, япон бехиси, | Реферат |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | пироканта, наъматак турлари ҳақида маълумот берилади. | |
| 18. | Жумрутдошлар оиласи. | маъруза | *4* | Жумрутдошлар оиласига дендрологик характеристика. Чилонжийда ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 19. | Диоспиросдошлар оиласи. | маъруза | *2* | Диоспиросдошлар оиласини халқ хўжалигидаги аҳамияти. Хурмо турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 20. | Зиркдошлар, шилвидошлар, туятовондошлар ва зағозадошлар оилалари. | маъруза | *6* | Зиркдошлар оиласига дендрологик характеристика. Зирк турлари ҳавида маълумот берилади. | Реферат |
| 21. | Дуккакдошлар оиласи | маъруза | *10* | Дуккакдошлар оиласига дендрологик характеристика. Оқ акация, Багряник, Сафора ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 22. | Шўрадошлар оиласи. | маъруза | *4* | Шўрадошлар оиласига дендрологик характеристика. Саксовул ва шўра турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 23. | Юлғундошлар ва торондошлар оилалари. | маъруза | *4* | Юлғундошлар ва Торондошлар оиласига дендрологик характеристика. Юлғун ва Қандим турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 24. | Толдошлар оиласи. | маъруза | *4* | Толдошлар оиласига дендрологик характеристика. Тол ва терак турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 25. | Жийдадошлар оиласи | маъруза | *6* | Жийдадошлар оиласига дендрологик характеристика. Жийда ва чаканда турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 26. | Қайиндошлар ва зайтундошлар оиласи. | маъруза | *6* | Қайиндошлар ва зайтундошлар оиласига дендрологик характеристика. Қайин ва шумтол турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 27. | Қорақайиндошлар оиласи | маъруза | *4* | Қорақайиндошлар оиласига дендрологик характеристика. Эман, қорақайин турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 28. | Магнолиядошлар ва жўкадошлар оилалари | маъруза | *4* | Магнолиядошлар ва жўкадошлар оиласига дендрологик характеристика. Магнолия ,лоладарахти ва жўка турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |
| 29. | Сохтакаштандошлар, бигнониядошлар ва шамшоддошлар оилалари | маъруза | *8* | Сохтакаштандошлар, бигнониядошлар ва шамшоддошлар оилалар дендрологик характеристика. Сохтакаштан, Каталпа ва шамшод турлари ҳақида маълумот берилади. | Реферат |

*Изоҳ:** Ўқув жадвалига ҳафтасига 1 марта куннинг иккинчи ярмига консультация учун дарс қўйилади (ТМИ 146 соат : 13 ҳафта = 12 соат)

## 6.РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Қайрағоч (*Ulmus)* туркумидаги турлар биологияси, экологияси, тарқалиши ва ўрмон мелиорациясидаги аҳамияти.
2. Юлғун (*Tamarix)* туркуми вакилларининг биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.
3. Зиркдошлар (*Berberidaceae)* оиласига кирувчи турлар биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.
4. Ипак акациясининг (*Albizzia julibrissin*) биологияси, экологияси, географик арқалиши ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.
5. Туйя ва биота туркумларининг дендрологик характеристикаси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.
6. Гледичия (*Gleditsia)* туркумидаги турларни биологияси, ареали ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.
7. Толдошлар (*Salicaceae)* оиласи вакилларининг систематикаси, биологияси, экологияси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.
8. Жузғун ёки қандим (*Calligonum)* туркуми вакиллари биологияси, тарқалиши ва кўчма қумларни мустаҳкамлашдаги роли.
9. Тсуга ва сохта тсуга туркумларига дендрологик характеристикаси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.
10. Гинкгодошлар (*Ginkgoales*) синфининг дендрологик характеристикаси.
11. Марказий Осиёга интродукция қилинган нинабаргли дарахтларнинг дендрологик характеристикаси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.
12. Зарнабдошлар (*Taxaceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси.
13. Таксодийдошлар (*Taxodiaceae)* оиласининг дендрологик характеристикаси.
14. Қарағайдошлар (*Pinaceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.
15. Олма (*Malus)* туркумидаги биохилма-хиллик, ёввойи олма турларининг биологияси ва географик тарқалиши.
16. Дўлана (*Crataegus*) туркуми турларининг биологияси, географик тарқалиши ва ташқи муҳит билан муносабати.
17. Шумурт (*Padus)* туркумларининг дендрологик характеристикаси.
18. Сорбария (*Sorbaria)*, пироканта (*Pyracantha)* ва мушмула (*Mespilus)* туркумлари ва уларни кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.
19.
20. Раъногулдошлар *(Rosaceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

21. Эман (*Quercus)* туркумидаги турлар систематикаси, биологик – экологик хусусиятлари ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

22. Зайтундошлар (*Oleaceae)* оиласидаги турлар биологияси, экологияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

23. Зайтун (*Olea)* ва лигиструм (*Ligistrum)* туркумлари турларини биологияси, экологияси ва аҳамияти.

24. Қарағай (*Pinus*) туркумининг дендрологик характеристикаси.

25. Олхўри (*Prunu*s) ва олча (*Cerasus)* туркумларининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

26. Жумрутдошлар (Rhamnaceae) оиласи вакиллари биологияси, экологияси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

27. Бодом (Amygdalis) туркумидаги турлар биологияси, экологияси, географик тарқалиши, селекцияси ва кўпайтириш усуллари.

28. Шўрадошлар (Chenopodiaceae) оиласи вакилларининг биологияси, экологияси, тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

29. Сирень (Syringa) ва форзиция (Forsythia) туркумларидаги турларни биологик – экологик хусусиятлари кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

30. Тутдошлар (Moraceae) оиласидаги турлар биологияси, экологияси, кўпайтириш ва уларнинг аҳамияти.

31. Бигнониядошлар (Bignoniaceae) оиласидаги турларни биологик – экологик хусусиятлари, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

32. Айлант (Ailantus) ва қоғоз дарахти (Broussonetia) туркумлари биологияси, географик тарқалиши ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

33. Хурмо (Diospyros) туркумидаги турларни биологияси, тарқалиши ва кўпайтириш усуллари.

34. Сохта каштан (Aesculus) туркумидаги турлар биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

35. Қорақарағай (Picea) туркумининг дендрологик характеритикаси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

36. Шамшод (Buxus) туркуми, биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

37. Чинор (*Platanus*) туркуми ва унинг кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

38. Дуккакдошлар (*Fabaceae)* оиласига мансуб турлар биологияси, ареали, кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

39. Эфедрадошлар (*Ephedraceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси.

40. Бундук ва багрянник туркумлари, биологияси, экологияси, ташқи муҳит билан муносабати ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

41. Софора (*Sophora)* туркуми биологияси, тарқалиши, кўпайтириш ва унинг кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

42. Оқ акация (*Robinia*) туркуми биологияси, экологияси, кўпайтириш ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

43. Қайин *(Betula*) туркуми турлар биологияси, экологияси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

44. Каштан ва граб туркумларидаги турлар биологияси, экологияси, ареали ва аҳамияти.

45. Ёнғоқ (*Juglans)* ва кария (*Carya*) туркумларининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

46. Ўрмон ёнғоғи (*Corylus*) туркуми биологияси, экологияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

47. Қорақайин (*Fagus)* туркумидаги турларни биологияси, экологияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

48.

49. Чаканда (*Hippophae)* туркумидаги турларни систематикаси, биологияси, экологияси, ареали ва фармакология саноатидаги аҳамияти.

50. Оққарағай *(Abies*) туркумининг дендрологик характеристикаси, экологияси ва тарқалиши.

51. Пистадошлар (*Anacardiaceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

52. Қорақатдошлар (*Saxifracaceae)* оиласи систематикаси, биологияси, экологияси ва аҳамияти.

53. Эвкоммия (*Eucommia*) туркуми биологияси, экологияси, ареали ва аҳамияти.

54. Лола дарахти (*Liriodendron tulipifera*) биологияси, экологияси, кўпайтириш ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

55. Четан (*Sorbus)* туркуми турларининг биологияси, экологияси ва географик тарқалиши.

56. Жийда (*Elaeagnus)* туркумининг турларини биологияси, экологияси, селекцияси ва кўпайтириш.

57. Тянь-Шань (*Picea Srenkiana*) ва тиканли (*Picea pungens*) қорақарағайлар систематикаси, биологияси, кўпайтириш ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

58. Марказий Осиёда арча (*Juniperus*) туркумидаги биохилма-хиллик ва тоғ мелиорациясидаги аҳамияти.

59. Тобулғи (*Spirea)* ва ирғай (*Cotoneaster)* туркумларининг дендрологик характеристикаси.

60. Қрим (*Pinus Pallassiana)* ва элдор (*Pinus Eldarica*) қарағайларининг биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги роли.

61. Ўзбекистонда кўкаламзорлаштириш мақсадида фойдаланиладиган дарахтлар биологияси, экологияси ва уларни кўпайтириш агротехникаси.

62. Чилонжийда *(Ziziphus*) туркуми вакиллари биологияси ва халқ хўжалигидги аҳамияти.

63. Шумтол (*Fraxinus)* туркуми биологияси, экологияси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

64. Шўра (*Salsola*) туркуми вакилларининг систематикаси, биологияси, экологияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

65. Сарвидошлар (*Cupressaceae)* оиласининг дендрологик характеристикаси.

66. Ёнғоқдошлар (*Juglandaceae*) оиласининг дендрологик характеристикаси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

67. Эвкалипт (*Eucalyptus)* туркуми биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва кўкаламзорлштиришдагиаҳамияти.

68. Ўзбекистон арчалари, тарқалиш ареали ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

69. Магнолиядошлар (*Magnoliacea*е) оиласи биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

70.

71. Қум сахроларда кўчма қумларни мустаҳкамловчи галофит ва псаммофит буталар биологияси, тарқалиши ва аҳамияти.

72. Шилвидошлар (*Caprifoliaceae*) оиласидаги турларнинг дендрологик характеристикаси ва кўкаламзорлаштиришда аҳамияти.

73. Виргин (*Juniperis virginiana*) ва оддий (*Juniperis communis*) арчаларининг биохилма - хиллиги, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

74. Саксовул (*Haloxylon)* туркумидаги турлар биологияси, тарқалиши ва қум мелиорациясидаги аҳамияти.

75. Тол *(Salix*) туркумидаги турларни систематикаси, экологияси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

76. Тилоғоч (*Larix*) туркумининг дендрологик характеристикаси ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

77. Нок (*Pyrus*) туркумидаги турлар биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва ташқи муҳит билан муносабати.

78. Наъматак (*Ros*а) туркуми вакилларининг биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва витаминлилик фаоллиги.

79. Секвойядендрон (*Seguoiadendron*) ва метасеквойя *(Metaseguoia*) туркумларининг дендрологик характеристикаси ва аҳамияти.

80. Тўғдона (*Celtis*) туркумидаги турлар биологияси, тарқалиши ва тоғ ўрмон мелиорациясидаги аҳамияти.

81. Сарв (*Cupressus*) туркумининг дендрологик характеристикаси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

82. Терак (*Populus*) туркумидаги турларни биологияси, экологияси, ареали ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

83. Ўзбекистонга интродукция қилинган баргли дарахт турлари ва уларни кўкаламзорлаштиришдаги ўрни.

84. Жўкадошлар (*Tiliaceae)* оиласидаги турлар биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

85. Кедр (*Cedrus)* туркумининг дендрологик характеристикаси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

86. Шилви (*Lonicera)* туркумидаги турларни биологияси, экологияси ва ўрмончилик ва кўкаламзорлаштиришда аҳамияти.

87. Грек ёнғоғи (*Juglans regia*) биологияси, экологияси, ареали, ташқи муҳит билн муносабати ва кўпайтириш.

88. Ўзбекистонга интродукция қилинган нинабаргли дарахт турлари ва уларни кўкаламзорлаштиришдаги ўрни.

89. Тотим (*Rhus*) ва скумпия (*Cotinus*) туркумларининг дендрологик характеристикаси.

90. Рутадошлар *(Rutaceae*) оиласидаги турлар биологияси, экологияси, ареали ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

91. Ўзбекистон тоғ ўрмонлари дендрофлораси, асосий дарахт турлари биологияси, ареали ва аҳамияти.

92. Манзарали буталар, уларнинг биологик, экологик хусусиятлари, кўпайтириш ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

93. Ўзбекистон тўқай ўрмонлари дендрофлораси, асосий дарахт турларининг биологияси, тарқалиши ва ўрмончиликдаги аҳамияти.

94. Катальпа (*Catalpa)* туркуми биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

95. Экзохорда (*Exochorda)* ва маймунжон (*Rubus*) туркумларининг дендрологик характеристикаси ва аҳамияти.

96. Заранг (*Ace*r) туркумидаги турлар биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

97. Узум (*Vitis)* туркуми биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва аҳамияти.

98. Қорақат (Ribes) туркуми биологияси, экологияси, ареали ва аҳамияти.

99. Магнолия (*Magnolia)* ва лириодендрон (*Liriodendron*) туркумлари биологияси, экологияси, ареали ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

100. Зирк (*Berberis*) ва магония (*Mahonia)* туркумлари биологияси, экологияси ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

101.

102. Ўрик (*Armeniaca*) туркумининг биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

103. Беҳи (*Cydonia*) ва шафтоли (*Persica*) туркумларининг дендрологик характеристикаси ва аҳамияти.

104. Калина *(Vibirnum*) ва маржондарахт (*Sambuxus*) туркумларидаги турларни биологияси, экологияси ва аҳамияти.

105. Шимолий Америка дендрофлорасидаги Ўзбекистонга интродукция қилинган дарахт - буталар систематикаси, биологияси, ўрмончиликда ва кўкаламзорлаштиришдаги аҳамияти.

106. Хандон писта (*Pistacia vera.L*) биологияси, ареали, географик тарқалиши, селекцияси ва ўстириш усуллари.

107.

108. Маклюра (*Maclura)* ва анжир (*Ficus)* туркумларидаги турлар биологияси, экологияси ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

109. Арча *(Juniperus*) туркумидаги турларнинг биологияси, экологияси, географик тарқалиши ва аҳамияти.

110. Ўзбекистон флорасидаги доривор буталар систематикаси, биологияси, экологияси, ресурслари ва фармацевтика саноатидаги аҳамияти.

## 7. «ДЕНДРОЛОГИЯ» ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мустақил ишларнинг бажарилиши «Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом» талаблари асосида назорат қилинади ва баҳолаб борилади. Фан бўйича мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўкув йили бошида тегишли ўқув-услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади.

ТМИ бўйича тавсия этилган мавзулар бўйича мустақил ишлар реферат тайёрлаш, топшириш ва ўқитувчи суҳбатидан ўтиш (рефератларни ҳимоя қилиш) тарзида ташкил этилади. Талабаларнинг ўкув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади (3 ва 4-жадваллар). Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, назарий машғулотлар бўйича мустақил иш (реферат бажариш)га жами 10 балл (1 ва 2-оралиқ назоратлар доирасида 5 баллдан) ва амалий машғулотлар бўйича ҳам 10 балл (1 ва 2 жорий баҳолашларда 3 балдан, 3 - жорий баҳолашда 4 баллдан) ажратилган.

2- жадвал

**Талабалар оралиқ назоратлардан тўплайдиган балларнинг мезонлари**

